

А Ж Р И М

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Гулистон шаҳар

2023 йил 21 июль

Гулистон туманлараро иқтисодий суди, судья А.Олламовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ю.Абизовнинг суд мажлиси котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “ААА” масъулияти чекланган жамияти манфаатида, жавобгар “БББ” давлат унитар корхонаси ҳисобидан 266.502.006 сўм миқдорида асосий қаз ва 35.178.265 сўм миқдорида пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) даъвогар “ААА” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида жавобгар “БББ” давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 266.502.006 сўм миқдорида асосий қаз ва 35.178.265 сўм миқдорида пеняни ундиришни сўраган.

Палата ва даъвогар иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, у (лар)нинг вакил (лар)и суд мажлисига келмади ҳамда даъво юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим этмади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128-моддаси иккинчи қисми 4-хатбошисига биноан ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Суднинг 2023 йил 07 июлдаги ишни 2023 йил 21 июль куни соат 10:00га тайинлаш тўғрисидаги ажримининг кўчирма нусхаси палата ва даъвогарнинг электрон манзилига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Е-XSUD” ахборот тизими орқали юборилган.

ИПКнинг 170-моддаси иккинчи қисмига биноан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин, шунингдек учинчи қисмига асосан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Бирок, палата ва даъвогар ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги арз қилмаган.

Суд, ишдаги мавжуд ва суд муҳокамаси жараёнида тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга палатанинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПКнинг 13-моддаси биринчи қисмига асосан суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

ИПКнинг 107-моддаси 6-бандига биноан агар даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, палатанинг даъвогар манфаатида жавобгар ҳисобидан 266.502.006 сўм миқдорида асосий қаз ва 35.178.265 сўм миқдорида пеня ундириш ҳақидаги 2023 йил 23 майдаги ю-02/4986-сонли даъво аризаси даъвогар томонидан Гулистон туманлараро иқтисодий судига почта орқали юборилган бўлиб, суднинг 2023 йил 07 июлдаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, иш кўзғатиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримга асосан даъво ариза олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилиниб, 4-1201-2303/2363-сонли иш кўзғатилган ва ишни кўриш 2023 йил 21 июль куни соат 10:00да Гулистон шаҳар, Бирлашган кўчаси, 7-уйда жойлашган Гулистон туманлараро иқтисодий суди биносида бўладиган очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган.

Суднинг 2023 йил 07 июлдаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, иш кўзғатиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими 2023 йил 07 июлда палата, даъвогар ва жавобгарга гибрид почта орқали юборилган ва ушбу ажрим 2023 йил 10 июль куни палата (Мирзаев) ва даъвогар томонидан қабул қилиб олинган.

ИПКнинг 127-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади. Иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ажрим орқали, зарур ҳолларда эса суд чақирув қоғозлари, телеграммалар, факслар, телетайплар ҳамда бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва судга чақирилади.

ИПКнинг 128-моддасига биноан агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг

кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Бироқ, палата ва даъвогар иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, у (лар)нинг вакил (лар)и суд мажлисига келмади, шунингдек ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмади.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 21 июль куни соат 10:00дан 15:00гача бўлган вақт давомида Гулистон шаҳар, Бирлашган кўчаси, 7-уйда жойлашган Гулистон туманлараро иқтисодий суди биносига палата ва/ёки даъвогар вакиллари келишмаган ҳамда суд мажлисида иштирок этиши ёхуд иштирок этмаслиги юзасидан ариза, илтимоснома такдим қилишмаганлиги ҳолати бўйича суд ва Миллий Гвардия кўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан 2023 йил 21 июль куни соат 15:00да далолатнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сон қарори 31-банди учинчи хатбошисида агар даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, у ҳолда ИПКнинг 107-моддаси 6-бандига мувофиқ даъво кўрмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд қилинганларни инобатга олиб, суд палатанинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига муносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сон қарори 3-бандида иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан давлат божи ундирилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 5-моддаси 2-бандига асосан даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги даъво аризаларидан давлат божи ундирилади, шу боис суд, ушбу Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан палатанинг даъво аризаси олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилинганлигини инобатга олиб, даъвогар ҳисобидан 6.033.605,42 сўм миқдорида давлат божи ундиришни, олдиндан тўланган 33.000 сўм миқдоридаги почта харажатларини эса даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддаси 6-банди ва 108, 109, 118, 195-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Олдиндан тўланган 33.000 сўм миқдоридаги почта харажатлари “ААА” масъулияти чекланган жамияти зиммасида қолдирилсин.

“ААА” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика бюджетига 6.033.605,42 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

А.Олламов